

Стипендия олиш тартиби.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон “Олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида” Низомларни тасдиқлаш ҳақидаги қарори ва Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2012 йил 28 декабрдаги 508-сон “Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида” Низомни тасдиқлаш ҳақидаги буйруқларига асосан қўйидаги ҳолларда талабаларга стипендия берилади:

- тўлов-контракт асосида ўқиётган талабалар контракт пулини белгиланган муддатда жорий семестр учун 100% амалга оширса;
- тўлов-контракт асосида қайта тикланган, ўқиши кўчирилган ва ўқишини ўз курсида (курсдан қолган) давом эттираётган талабалар контракт пулини белгиланган муддатда амалга оширса ва фанлардан академик қарзи бўлмаса;
- ўкув режалардаги фанлар бўйича фарқлар аниқланганда талаба академик қарздор сифатида ўқишига қабул қилинади;
- тўлов-контракт асосида қайта тикланган, ўқиши кўчирилган ва ўқишини ўз курсида (курсдан қолган) давом эттираётган талабалар жорий семестр давомида академик қарздорлик (фарқлар) бартараф этилган муддатдан бошлаб, институт ректорининг талабага ўрнатилган тартибда стипендия бериш ҳақидаги буйруғи чиқарилади. Стипедия микдорини белгилашда фанлар бўйича фарқларни топшириш кўрсаткичлари ҳам ҳисобга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон “Олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида” Низомларни тасдиқлаш ҳақидаги қарори ва Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2012 йил 28 декабрдаги 508-сон “Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисида” Низомни тасдиқлаш ҳақидаги буйруқларига асосан қўйидаги ҳолларда талабаларга стипендия берилмайди:

- тўлов-контракт асосида ўқиётган талабалар контракт пулини белгиланган муддатда амалга оширмаса;
- тўлов-контракт асосида қайта тикланган, ўқиши кўчирилган ва ўқишини ўз курсида (курсдан қолган) давом эттираётган талабалар фанлардан академик қарзи бўлса;
- тўлов-контракт асосида қайта тикланган, ўқиши кўчирилган ва ўқишини ўз курсида (курсдан қолган) давом эттираётган талабаларнинг фанлардан академик қарздорлиги (фарқлар) бартараф этилмаган ойлар учун;

талаба бирор сабаб билан ўқишдан четлаштирилганда.